

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил октябрь ойининг 27 куни, Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди, Боғот тумани, “Ҳунарманд” МФЙ биносиди, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Якубовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Курбановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Боғот туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Самандаров, судланувчи И.Атажанов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Huquqiy Xazina” адвокатлик фирмаси адвокати Х.Машариповларнинг иштирокида,

**Атажанов Икрам Қурбондурдиевич** (Atajanov Ikram Qurbondurdiyevich) – 30.12.1965 йилда Хоразм вилояти, Боғот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилалик, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Хоразм вилояти, Боғот тумани, “Ҳунарманд” маҳалласи, Бехруз кўчаси, 13-уйда доимий рўйхатда туриб яшовчи, жиноят иши бўйича 2025 йил 6 октябрь кунида “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

ЖК 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-2205-2501/115-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

### аниқлади:

Судланувчи, **И.Атажанов** Ўзбекистон Республикаси Президенти 17.06.2019 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонининг 5-бандида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмаслиги бегиланган бўлсада, Боғот тумани, “Ҳунарманд” маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 459к-контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги жихатидан 72,0 балл бонитетдан иборат бўлган 12 сўтихдан иборат дала томорқа ер участкасининг 0.0365 гектар суғориладиган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун ҳеч қандай рухсат этувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмасида, 2024 йилнинг ноябрь ойида қурилиши тугалланмаган турар жой биносининг қурилиш ишларини бошлаб, 2025 йил апрель ойида ушбу турар жойни қурилиш ишларини қисман тугатиб, қишлоқ хўжалиги ерларини яроқсиз ҳолга келтириб, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириб, суғориладиган экин ер



майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариб, қурилиш ишларини амалга оширганлиги оқибатида давлат манфаатларига 34.149.168 (*ўттиз тўрт миллион бир юз қирқ тўққиз минг бир юз олтмиш саккиз*) сўм моддий зарар етказган.

**Судда мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Атажанов** унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб қуйидагиларни, яъни у Боғот тумани, “Хунарманд” маҳалласи худудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 459к-контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги жихатидан 72,0 балл бонитетдан иборат бўлган 12 сўтихдан иборат бўлган деҳқон хўжалиги фаолиятини юритиш фойдаланиш учун берилган томорқа ер майдонида буғдой ва бошқа турдаги экин маҳсулотларини экиб ҳосил олиб, фойдаланиб келганлиги, ўзи яшаётган отасидан қолган ҳовлисида уч нафар фарзандлари, уларнинг турмуш ўртоқлари ва неваралари билан бирга ўн нафардан иборат бир оила бўлиб, яшаб келганликлари, оилада келинлар, овсинлар билан ўзаро келиша олмай уруш-жанжаллар келиб чиқаверганлиги, битта уйга сиғишмай қолганликлари сабабли катта ўғли А.Атажановни оиласини алоҳида чиқариш мақсадида унга экин ери сифатида фойдаланишга берилган 12 сўтих томорқа ер майдонининг 365 кв.метр қисмига бир қаватдан иборат бўлган турар жой қуришни режалаштириб, туман марказидан кунлик ишлайдиган усталарни олиб келиб, 2024 йилнинг ноябрь ойида ер майдонига қум-тупроқ ташлаб, 2025 йил апрель ойида эса фундамент қуйиш ишларини бажариб, турар жойни қурилиш ишларини тугатганлиги, шундан сўнг 2024 йил 18 декабрь кунида туманнинг мутасадди ташкилотларидан масъул ходимлари келишиб, ушбу экин ер майдонида ноқонуний қурилиш ишлари бажарилганлиги борасида далолатнома расмийлаштирилганлиги ва ушбу ноқонуний қурилмани 15 кун ичида бартараф этиш борасида огоҳлантиришиб, акс ҳолда қонуний чора кўрилиши борасида тушунтириш берилганлиги, ушбу қурилиш ишларини ҳеч қайси мутасадди ташкилотлардан рухсатнома олмасдан ўзбошимчалик билан бошлаганлиги, ушбу турар жойни ноқонуний қурганлиги оқибатида экин ер майдонига етказилган зарар деб қаралаётган 34.149.168 сўм сўм зарарни тўлаш имконияти йўқлигини, бироқ етказилган зарарларни қоплаб, экин ерини асли ҳолига олиб келтиришини, бу ишни мажбурликдан қилганлиги, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, ишсизлигини, инсулт касаллигини бошдан кечириб, ҳозирда мунтазам даволаниб келаётганлиги сабабли соғлиғининг аҳволи яхши эмаслигини, оиласи уй-жойга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини илтимос қилиб, кўрсатув берди.

**Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Н.Рўзметов** қуйидагиларни, яъни 2019 йилдан буён Кадастр агентлигининг Боғот туман бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётганлиги, унинг хизмат вазифаларига ер участкаларини ўзбошимчалик билан ноқонуний эгаллаб олинишини олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган қонуний чоралар кўришдан иборатлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли



қарори ижросини таъминлаш борасида ўтказилган мониторингда Боғот тумани, “Хунарманд” маҳалласи, “Беҳруз” кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаро *И.Атажанов* 2024 йил ноябрь ойида Боғот тумани, “Хунарманд” маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 459к-контурида жойлашган, тупроқ унумдорлиги жихатидан 72,0 балл бонитетдан иборат бўлган 12 сўтих суғориладиган экин ер майдонининг 0.0365 гектарида ноқонуний равишда турар жой қуриш мақсадида фундамент қурилиш ишларини бажариб, 2025 йил апрель ойида қурилиш ишларини тугатганлиги, ушбу ноқонуний қурилма юзасидан 2024 йил 18 декабрь кунда судланувчи томонидан ноқонуний турар жой қурилиш ишларини бажарганлиги юзасидан далолатномалар расмийлаштирилиб, ноқонуний қурилмаларини 15 кун ичида бартараф этишлари, акс ҳолда қонуний чоралар кўрилиши борасида огоҳлантирилганлиги, бироқ ушбу ноқонуний қурилма ҳозирга қадар бартараф этилмасдан, балки турар жой шаклига келтирилганлиги оқибатида тупроқ унумдорлиги жихатидан 72,0 балл бонитетдан иборат бўлган ушбу томорқа экин ер майдонига судланувчи *И.Атажанов* томонидан 34.149.168 сўм миқдорида моддий зарарлар етказилганлиги, судланувчи томонидан мазкур ер майдонида қурилиш ишларини амалга ошириш учун ваколатли органлар томонидан ҳеч қандай рухсатномалар берилмаганлиги, қурилиш ишлари рухсат этувчи ҳужжатларсиз ўзбошимчалик билан амалга оширилганлиги сабабли, уни бартараф этиш борасида фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судига мурожаат қилишганлиги ва суд қарорига асосан ушбу ноқонуний қурилмалар бартараф этилиши белгиланганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳлар **М.Камолов, Н.Салаев, Г.Хусаинова, Ш.Юсупов, Ў.Ражабова, А.Матякубов** ва **П.Вайсовлар**нинг кўрсатувлари тарафларнинг розилигига кўра ўқиб эшиттирилганида судланувчи уларни кўрсатувларини тасдиқлашини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи *И.Атажанов*нинг айби, унинг ўз айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб, берган кўрсатмаларидан ташқари, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 98 ва 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини синчковлик



билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, судланувчиларнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши материалларида тўпланган Кадастр агентлигининг Боғот туман бўлими томонидан туман прокурорига берган хати, Кадастрлар палатаси Боғот туман бўлими хулосаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Хоразм вилоят бошқармасининг хатлари, иш бўйича тузилган далолатномалар ва унга илова қилинган фотожадваллар, тушинтириш хатлари, Боғот туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг хатлари, ёзма далиллар, сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган ЖПК 11, 81-82 ва 94-95-моддалари тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа далиллар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланиб, ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида келтирилган далилларни, уларни тўплаш билан боғлиқ процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул далиллар деб эътироф этиб, улар ҳақиқатга мувофиқ бўлганлиги сабабли ишончли ва судланувчиларнинг жинойий ҳаракатларини баҳолашда етарли ҳамда ишга алоқадор деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандида “Судлар ҳукм ЖПК 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришига амал қилган ҳолда судланувчиларнинг қилмишларини малакаланиши масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Атажановнинг жинойий қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан “*Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш*” билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Чунки, иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи И.Атажанов 2024 йил ноябрь ойида оиласига томорқа экин ери сифатида берилган Боғот тумани, “Дехқонобод” қишлоғи, “Ҳунарманд” маҳалласи қишлоқ хўжалиги харитасининг 459к-қисм контуридаги 72,0 балл бонитетли, суғориладиган 12 сотих экин еринининг 0.035 гектарида ноқонуний равишда турар жой қуриш мақсадида фундамент қурилиш ишларини бажариб, 2025 йил апрель ойида қурилиш ишларини тугатганлиги аниқланганлиги ҳолатида ушбу экин ер майдонларида судланувчилар ўзбошимчалик билан, ҳеч қандай рухсат этувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмасида ўзига ажратилган ушбу экин ер майдонида турар жой қуриш мақсадида қурилиш ишларини амалга ошириб, экин ер майдонини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариб, давлат манфаатларига 1 та ҳолатда жами 34.149.168 (*ўттиз тўрт миллион бир юз қирқ тўққиз минг бир юз олтмиш саккиз*) сўм моддий зарар етказилганликда ифодаланган жинойий қилмишларни содир этганликларидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига кўра “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа



табiiй ресурслар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида” эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда ажратилмаган (реализация қилинмаган), шу жумладан, берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралари ваколатли органлар томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгиланмаган, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилмаган ҳолда фойдаланиш тушунилиши лозим”лиги кўрсатилган.

Мазкур Олий суд Пленум Қарорининг 5-бандида “Суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ушбу ер майдонларида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланади, суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноят аниқланган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.” деб кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 26-моддаси 2-қисмида “Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар



жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” – деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир - енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, оғир касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшдалиги, унинг содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчи судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Конституциявий нормалар, қонун талаблари ва Олий суд Пленум Қарорларидаги тушунтиришларни эътиборга олиб, судланувчи И.Атажановга жазо тури ва меъёрини белгилашда, нисбатан жазо тайинлашда у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, содир этилган қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини атрофлича ўрганиб, унинг муқаддам жиноят содир қилмаганлиги, биринчи марта жиноят содир қилганлиги, ЖК 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб ҳисоблаб, унинг қилмишида ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини инобатга олиб, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини, оиласида ягона боқувчилигини, кекса ёшдалигини, ҳозирда оғир касалликдан даволаниб келаётганлигини, яшаш жойидан унинг шахси ижобий тавсифланганлиги содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, унинг қилмиши учун назарда тутилган ЖК 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги жазо, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ва унга ЖК 48<sup>1</sup>-моддасида белгиланган қўшимча таъқиқ(чеклаш)лар юклашни, Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби таъқиқ (чеклаш)ларни юклатишни ҳамда ЖПК 422-моддасига асосан ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддаси 1-қисми 5-бандида “Жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплашга ўтказилади, мулкӣ зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади” деб белгиланган.

Шунга кўра, жиноят иши бўйича суғориладиган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги оқибатида давлат манфаатларига етказилган зарар деб ҳисобланган 34.149.168 сўмни судланувчи И.Атажановдан давлат фойдасига ундиришни лозим топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 17-сонли қарорининг 9-бандида “Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасига мувофиқ жиноят ишини юритиш тамом бўлганда (ишни тугатиш ёки иш бўйича ҳукм чиқаришда) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсалар ва ҳужжатларнинг тақдирини белгилаши шарт. Қонунга кўра, ашёвий далилларга оид масала қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади” деб кўрсатилган.

Шу сабабдан, ёзма далил деб эътироф этилган Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси Хоразм вилояти бошқармасининг 22.09.2025 йилдаги 01/6-12-3664-сонли маълумотномаси, Боғот тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг 18.09.2025 йилдаги 02-17/473-сонли маълумотномаси, Давлат кадастрлар палатаси Боғот туман бўлимининг 19.09.2025 йилдаги 8/1685-сонли маълумотномаси ва унга илова ҳужжатлари, Хоразм вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг 19.09.2025 йилдаги В/830-сонли маълумотномаси ҳамда 13.09.2025 йилдаги ҳодиса жойларини кўздан кечириш баённомалари ва унга илова қилинган чизмалар, “Google Earth” дастури орқали олинган фотосуратларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.



Шунингдек, жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ноқонуний эгалланган ер майдонини қайтариш ва ушбу ер майдонидаги қурилишларни буздириш масаласи бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича суд тартибида ҳал этишлиги мумкинлиги тушунтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 ва 68-моддаларига ҳамда ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

**ҳукм қилади:**

**Атажанов Икрам Қурбондурдиевич** (Atajanov Ikram Qurbondurdiyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

И.Атажановга ЖК 229<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан, ЖК 57-моддасини қўллаб 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

И.Атажановга уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай таъқиқлашни, яъни Хоразм вилояти, Боғот тумани, “Хунарманд” маҳалласи, Беҳруз кўчаси, 13-уйдан чиқиши чеклансин.

И.Атажановнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чекловлар, яъни:

- Боғот туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Жазони ижро этувчи орган рухсатисиз Хоразм вилояти маъмурий ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби тақиқ (чеклаш) юклатилсин.

Тайинланган жазони ижро қилиш Боғот туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ҳукм ижроси Боғот туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳида ҳисобга олиниб, ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

И.Атажановга ЖК 48<sup>1</sup>-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари, яъни агар озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган таъқиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, И.Атажановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

И.Атажановдан жиноят оқибатида етказилган 34.149.168 (*ўттиз тўрт миллион бир юз қирқ тўққиз минг бир юз олтмиш саккиз*) сўм моддий зарар давлат фойдасига ундирилсин.



Ёзма далил деб эътироф этилган Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси Хоразм вилояти бошқармасининг 22.09.2025 йилдаги 01/6-12-3664-сонли маълумотномаси, Боғот тумани қишлоқ хўжалиги бўлимининг 18.09.2025 йилдаги 02-17/473-сонли маълумотномаси, Давлат кадастрлар палатаси Боғот туман бўлимининг 19.09.2025 йилдаги 8/1685-сонли маълумотномаси ва унга илова ҳужжатлари, Хоразм вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг 19.09.2025 йилдаги В/830-сонли маълумотномаси ҳамда 13.09.2025 йилдаги ҳодиса жойларини кўздан кечириш баённомалари ва унга илова қилинган чизмалар, “Google Earth” дастури орқали олинган фото суратларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ноқонуний эгалланган ер майдонини қайтариш ва ушбу ер майдонидаги қурилишларни буздириш масаласи бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича суд тартибида ҳал этишлиги мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг ўн сутка ичида, судланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддатда жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди орқали Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эса кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Б.Якубов**

